

Муҳаммад Юсуф

ИЛТИЖО



ШЕЪРЛАР

Тошкент
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитеты
«Ёш гвардия» нашриёти
1989

Ю 4702570200—40 86 — 83
356(04) — 89

ISBN 5 633 — 00086 — 0

© Издательство „Еш гвардия“, 1989



БИР КУНИ

*Бир куни
Бир алвон замон келади,
Замин узра омон-омон бўлади.
Ўн иилми,
Юз иилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар —
Адиirlарда буғдой ўради.
Танклар —
Далаларда пахта теради.
Миллатлар,
Элатлар,
Оқ тан, қора тан
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади.
Оlam гулистон бўлади.
Бир куни...
— Шоурлар-чи, бобо,
Шоурлар нима бўлади?
— Уларнинг шодликдан
юраклари ёрилиб ўлади!*

ҚҰШИҒИМСАН ВАТАНИМ УРУШ БҮЛМАСИН

Дунё-дунё бўлиб яралди қачон,
Ҳаёт өҳанглари таралди қачон,
Зулмат ёруғликни кўролди қачон...
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин.

Баҳор ислаганин билмасам майли,
Қирларда лолалар термасам майли.
Майли, хандон кулиб юрмасам майли,
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин.

Балки умрим узун, балки қисқадир,
Майли, билмай ҳузур, ҳаловат надир.
Майли, меҳнат қилсан топмасам қадр,
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин.

Наҳот ғаним билса одам одамни,
Куйдириб кул қиласа ёруғ оламни?
Мен кимга ишондим ёлғиз боламни...
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин.

БРИГАДИР

Ленин орденли бригадир
А. Аҳмедов ҳаётидан лавҳа

Уни танишади қишлоқда,
Ҳатто тилга олмай туриб отини.
Лўндагина қилиб айтсам агар мен:
Қунда кир ювади хотини...

Кўҳликкина хотини,
Шўрликкина хотини.
Қунда кир ювар-да, тушуна олмас
Эри бригадирми,
Тракторчими?..

Лекин гап бундамас,
Гап шундаки,
Қимки астойдил
Ерга меҳр қўйса,
Қайтади бир кун.
Қора терни сидириб туриб,
Чўпиллатиб ўпиб пешонасидан,
Эли унга раҳмат айтади бир кун.
Мана қуллуқ қиласар
Бу кун эл,
Марҳаматдан тортиб Асака,
Оёққа қолқийди қаттаю-кичик
Уни кўриб: — Бригадир ака!..
Эҳе, бу кунларга еткунча
Озмунча мashaққат чекмади.
Юрагини анов инжиқ ерларга,
Тилагини анов инжиқ ерларга
Неча қайта экмади.

Гап бунда ҳам эмас,
Гап шундаки,
Кимки астойдил
Ерга меҳр қўйса,
Қайтади бир кун.
Қора терни сидириб туриб,
Чўпиллатиб ўпиб пешонасидан,
Эли унга раҳмат айтади бир кунъ.

Аммо,
Қаердасиз, ўртоқ мухбирлар.
Нималарни кўзлаб юрибсиз?
Яна қаерларда,
Яна қайси бир
Пуфак қаҳрамонни
Излаб юрибсиз?!.
Истардимки, бу кун
Бор ишни ташлаб
Бир кишини йўқлаб келсаларингиз.
Десаларингиз:
Абдиҳошим Аҳмедов,
Мунча озғинсиз,
Мунча бўлиқ ғўзаларингиз..

ЕҚУБ МЕРГАН

Еқуб чолга «Запорожец» беришмади,
Аризалар ёзиб борса, кўришмади.
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнишмади...

Еқуб чолнинг кўкси тўла орден эди,
Қайга борса ўрни тайин тўрдан эди,
Нима дейсиз — икки уруш кўрган эди,
Берлинда суратга тушган мерган эди.

Биттагина оёғи ҳам толдан эди,
Биттасини дўхтири кесиб олган эди.
Нима дейсиз — шундай бўлиб қолган эди,
Гурс-гурс қилиб юришлари ёлғон эди!

Бошлиқ чолга «Запорожец» бермади,
Аризалар ёзиб борса кўрмади.
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнмади...

Еқуб чолнинг райсобесдан кўнгли қолди,
Еқуб чолнинг бошлиқ-бездан кўнгли қолди,
Мендан, сиздан — ҳаммамиздан кўнгли қолди,
Машинасин бошқа олғир кимса олди.

Энди ул зот ялло қилиб юраверар,
Инвалиднинг машинасин сураверар,
Уни кўрсам чол эсимга келаверар,
Фидираги юрагимни элаверар...
Еҳуб чолга беришмаган «Запорож»нинг»

* * *

**Сизни ҳеч ким танимайди Андижонда,
Сизни ҳамма танийди Ўзбекистонда.
Сиздек бўлсак қанийди Ўзбекистонда,..
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

**Мен бир шаҳар сулув билан кулиб юрдим,
Кулиб юрдим лекин қадрим билиб юрдим.
Соғингандан Сиз ёққа термулиб юрдим...
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

**Садоқатдан сўйлади гоҳ шоирчалар,
Қуйлайверди, куйлади оҳ, шоирчалар...
Излаганинг ана-ку, боқ шоирчалар —
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

**Адолат бу шийпонларга қайрилган йўл,
Саодат бу хирмонларга қорилган йўл.
Садоқат бу кузакда тарс ёрилган қўл —
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

**Оюртимнинг қадоққўл Зулайҳолари,
Барчинлари, Турсунойи, Зеболари.
Қадим Ўзбекмомо мерос иболари —
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

**Оқ кийинган дунё унинг эъзозида,
Халоват йўқ на баҳори, на ёзида.
Ҳиссаси бор Гагариннинг парвозида —
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим!..**

**Сизни ҳатто танимайди андижонлик,
Сизни ҳамма танийди ўзбекистонлик.
Сиздек бўлса қанийди ўзбекистонлик —
Марҳаматлик менинг деҳқон сингилларим.**

* * *

Бу эшик жимгина очилавермас,
Бармогингни таниб йиғлар бу эшик.
Занг илгак сурилса чўғдек бир савол
Юракка санчилар кўкракни тешиб:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Отангнинг томида лолақизғалдоқ,
Отангнинг уйида кўринмас бир жон.
Ана, кўмилмаган анор шохлари
Синар ва хўрсинар умр — ўқилон:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Ким у воҳ, энгашиб лойқа сув ичди
Ва уватга чўқди кўксини ушлаб,
Кетмони чирқирап кесакни муштлаб:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Ким у воҳ, қўлида тешиккулчалар:
Невараларимга уйим Ватандир,
Ховлимни тўлдириб юришгай улар...
Жонимни чўқийди кул босган тандир:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Бу ҳэвли жимгина туравермайди,
Ўтларга кўмилиб йиғлар бу ҳовали:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

БОБОМ БИЛАН СУҲБАТ

Дунё билан ишим йўқ эди,
Сиёсатга ҳушим йўқ эди.
Нима бўлар буёғи энди...
Ким билади, болам.

Уканг кунда ўқир газета,
Атом дейди, дейди ракета.
Борманми ё йўқманми эрта...
Ким билади, болам.

Хасис қўшним йифиб тўймайди,
Фийбатчиси ёзиб қўймайди.
Отса отиб, сўйса сўймайди...
Ким билади, болам.

Келганингдан хурсандман лекин,
Бу йил сиғмас полизга экин.
Олиб кетгин, тўйгунча егин...
Ким билади, болам.

Менинг ўйим — тинч бўлса олам,
Кетмон чопсам, яшнаса далам.
Кўролмаслар бўлса шуни ҳам,
Ким билади, болам...

Урушқоқлар асабга тегса,
Деҳқон агар ғазабга келса,
Кейин нима бўлишин эса —
Ким билмайди, болам!

«Оламда нима гап» бўляпти,
Хира ёғду сочар телевизор.
Айвонда шолчада бир бола
Ултирас чўнқайиб... кўйлақлари кир.

Ҳовлида ҳар кунги юмушлар,
Ҳовлида ёвғир ер муштлар.
Момоси дарғазаб, беарқон
Бузоқчани тутолмай бу он.

Бузоқни қарғайди ҳарсиллаб,
Қозиқни ўқталар: «Бўйнинг узилгур!»
Айвончада эса бир бола
Ултирас чўнқайиб иштони ҳам кир.

Оламда нима гап бўляпти?..

* * *

Тушимга киради Қодирий бобоъ,
Бемадор, bemажол, беҳол, беором.

Эгнига эски бир тўн кийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Шинелнинг енгига похол ҳам бордай,
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.

Осмондек, осмонда Чўлпондек унинг
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом,
Тур энди, бунча кўп ухладинг, болам.

Боқ, бу чоғ айланиб жўхоризоринг,
Уроғин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризқу зарингни,
Ўйнатиб тур чиқиб, укаларингни.

Ва менинг саломим етказ аларга —
Бобосин соғинган мусичаларга..

Тушимга киради Абдулла бобом,
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ, тилла бобом!

* * *

Ёлғон ёмон дерлар,
Хушомад ёмон.
Ёмонликнинг бари ёмондир, бироқ
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Софинмай яшамоқ...

Тилга келганини айтаверамиз,
Суриштирмай ростдир-ёлғондир, бироқ.
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Қари қиз ҳақида гийбат тўқимоқ.

Ким бу шеърим ўқиб ошкора кулса,
Бечоралар ичра бечора билса...
Менимча дунёда энг оғир гуноҳ —
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ!

ТУФИЛГАН КУНДА

Жилмаяр кимнингдир дўрдоқ лаблари,
Зада кўнгил ўзи уқиб олади.
Сенинг кўйлагингнинг енги кўп узун,
Менинг эса тилим узун, ғалати.

Қандилга термулиб мастона нигоҳ,
Зимдан биз томонга разм солади.
Сенинг қўлингда ҳеч турмайди пичоқ,
Такаллувни билмас мен ҳам, ғалати.

Боқади тозидай гоҳ қулоғи динг,
Кўзига ишонмай қотиб қолади.
Сен қандай ўқчимай майни ҳўпладинг,
Тутилмай шеър айтдим мен ҳам, ғалати..

Имлайсан — кетайлик. У яна сергак,
Столга энгашиб гулни ҳидлайди.
Барини билар у дунёда, фақат
Онаси туфилган кунни билмайди.

ҒУРУР

Ҳозир менга кулиб қарайсан,
Бегамгина бош иргайсан жим.
Ва йўлингга кетаверасан,
Худди сенга йўқдек керагим.

Малол ўйнар, йўқ, савол ўйнар,
Дугонангни кўзларида: — Ким?
Бир силкиниб қўяди кафтинг,
Худди сенга йўқдек керагим.

Қарамайман орtingдан мен ҳам,
Тезроқ бундан кетмоқ тилагим.
Ва шўнғийман троллейбусга,
Худди менга йўқдек керагинг..

Сени гоҳи йиғлагинг келар,
Мени эса гоҳида ичгим.
Шундай, шундай катта шаҳарда
Бизга ёрдам беролмас ҳеч ким.

МЕТИН ИРОДАЛАР

Куз она тупроққа дардин тұқар жим,
Сарғайған дараҳтлар баргин тұқар жим.
Қаранг, ҳайдаб борар оппоқ даладан,
Олчоқларни фидойи юртим!..

Ҳайдаб борар бекал буғдойзорлардан,
Ҳайдар саройлардан, креслолардан.
Үттиз йилдан бери бириңчи марта
Пиёда кетмоқда бу йүғон гардан.

Күнгилчанлик қылманғ зинҳор ва зинҳор,
Күпроқ юриш керак, буларга күпроқ.
Димоги олдида қон құсар осмон,
Товони заҳмида чирқиллар тупроқ.

Темир парчалары,
Чүян парчалари —
Құз ёшдан занглаган металлом бұлар.
Агарда яраса домна печларида
Юзтасидан битта бүйинтуруқ қүйилар...

Әй, сен, такаббур зот, нега имиллайсан?
Буни тасодифмас — ҳақиқат дерлар.
Бу йўлиниг сўнггида сени кўр қилгай,
Деҳқоннинг юзидан ёғилган терлар.

Манов манзарага боқ Ўзбекистон —
Қиқирлаб кулмоқда қадоққўл синглим.
У — менинг далага сочган саволим.
У — менинг нахтага беланган кўнглим.

Офтобнинг тафтидан олам мунаввар,
Бу бир тантанаси Ленин ғоясин.

**Метин иродалар, Сизларни бу кун
Буюк Инқилобнинг руҳи қўлласин!..**

**Куз она тупроққа борин тўкар жим,
Сарғайган баргларин зорин тўкар жим.
Кўринг, ҳайдаб борар виждан даштига →
Олчоқларни фидойи халқим..**

* * *

Мен кузни соғиндим.
Куз саволлари —
Ёлғончи турналар қайтасиз қачон?
Той кишнар шамолда ўйнаб ёллари
Болалик. Болалик. Айтишга осон.

Бир қизни соғиндим..
Сепкилюз қизни,
Онажон, дардимга йўқ энди шифо.
Келсам ҳам, кетсам ҳам куйдирдим Сизни,
Қўксимда шул армон, мен мажнуннамо.

Тушларимда бўлса ўзга одамлар,
Тушларимда бўлса... бошқа бир савол.
Бир қизни соғиндим, сепкилюз қизни
Менсендан қўрқмасман, тақдири-азал.

ШУКУР БУРҲОН

Шукур Бурҳонни ҳам кузатиб қўйдик,
Қетди қон юраги устида қўли.
Ортидан эргашиб биз мўмин қўйдек
Бориб, қўйиб келдик ўпкамиз тўлиб.
Бордик дўстлари ҳам,
Душманлари ҳам,
Қабрин устида ҳам сўзладик ёлғон:
Санъат фидолари,
Мен сизга айтсан,
Ундаи Шукур Бурҳон,
Бундай Шукур Бурҳон...

Тиригига ҳеч ким айтмаган гаплар,
Ҳали совумаган тупроғига ёғди.
Йиғлади умрида йиғламаган арбоблар,
Кўзидан ёшлари сел бўлиб оқди.

Ялангтўш бобо жим кулиб ётарди,
Шунча дўст борлигин ҳеч билмаганди.
Ёпирай, тасаввўр ҳам қилмаганди,
Чунки уч кун олдин почтадан олғон,
Меҳнат дафтарчасин қучоғлаб ҳайрон
Хотини олдида шундай йиғлаганди!

Ўкраб йиғлаганди,
Ҳўнграб йиғлаганди,
Кўзига тор бўлиб ёруғ жаҳони.
Эркак боши бундай эгилмаганди,

Балки, узилгандир ўшанда жони...
У балки мендан ҳам яшарди кўпроқ,
У балки сендан ҳам яшарди кўпроқ,
Эй, қўнғир тупроқ,
Эй, муқаддас тупроқ,
Сен Шукур бобога болиш бўл юмшоқ!

МАРҲАМАТ

Бугун танбех бермади бирор,
Бу жой шаҳар, анқайма, иним.
Ўтиб кетди аммо бу кун ҳам,
Марҳаматсиз тағин бир куним.

Мен шаҳарга ўрганиб қолдим,
Шаҳар менга — йигирма қават.
Изтиробим ичимга ютиб
Боғлар кездим, ёзолмадим хат.

Унда бир қиз йўлимга илҳақ,
Пахта терди, ўт юлди маъюс.
Турна келар кун ўтди — баҳор,
Турна қайтар кунлар ўтар — куз.

Унинг сочи узундан-узун,
Унинг сочи товонга етган.
Лекин гулга ўхшамас юзи,
Қўллари ҳам ёрилиб кетган.

Юрак ёнар уни ўйласам,
Буёғи ҳеч шеърга сиғмайди.
Кузда қотиб ухлар Марҳамат,
Тунда кутган қизинг чиқмайди.

МАТЕМАТИКАНИ ЁМОН ҚУРАМАН

Баҳор адиrlарда лола тераман,
Одамлар ҳақида ўйлар сураман.
Ҳарбийда кўрганим зирҳли машиналар,
Снарядлардан ғишт ясаб,
Осмонўпар уйлар қураман,
Математикани ёмон кўраман.

Орзуларим қайсар қаноатларим,
Осмонларда учеб юраман.
Синглим — ойни ўпиб, укаларим —
Юлдузларни қучиб юраман,
Математикани ёмон кўраман.

Атомлар-математика.
Водородлар — математика.
Қирувчи самолётлар,
Крематорийлар — математика!
Математикани ёмон кўраман.

Сен эса ширин бир дардсан.
Сен яхши ниятсан.
Шеъриятсан...

УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Марҳаматлик Офтоб момо
урушда уч ўғлидан жудо бўл-
ган. Кўнглим сезади, ҳеч бўл-
маса биттаси тирик деб умид
қилиб яшайди...

Уч оғайни ботирлар,
Европада ётурлар...
Офтоб ўғлин кўтариб
Юрмаган баҳодирлар.

Сатторқули сардори,
Сотволдиси шунқори,
Собири беозори...
Офтоб билмас қайларда
Уч ўғлининг мозори.

Уларни гилаб-тилаб
Олган эди Офтоби.
Қирғин жангга кузатиб
Қолган эди Офтоби.
Бир қўйнига учта нон
Солган эди Офтоби.

О, уч ўғил азоби,
О, уч ўғил азоби!
Уч оғайни ботирлар,
Билмам, қайда ётурлар.
Офтоб ўғлин кўтариб
Юрмаган баҳодирлар...
Момо, уйингда ғам бор.
Жудолик бор, ситам бор.
Соқов билар, гўл билар,
Ёвоч оёқ, қўл билар,

Ёмғир билар, дўл билар,
Юрт билади, эл билар,
Эл билмаса
кел,
билар
Виждон — олийҳакам бор!

Уч оғайнини акам бор.
Енг ичида пичоқлар,
Йўлин тўсса олчоқлар —
Ғажиб ташлашга тайёр.

Уч оғайнини акам бор:
Бирин оти — Жасорат,
Бирин оти — Шиҷоат,
Бирин оти — Матонат...

Шеърим —
Шу акам учта,
Акам бўлиб урушда —
Қонга бўялган ерим.
Бир томчиси — Адолат.
Бир томчиси — Садоқат.
Бир томчиси — Саодат.
Қолганлари — ривоят...

Уч оғайнини ботирлар
Қайтиб келаётирлар.
Офтоб момо, уйингни
Тўлдирди баҳодирлар!

— Қайда эдинг, Сардорим?
— Урушда эдим, Она.
— Қайда эдинг, Шунқорим?
— Урушда эдим, Она.

— Сен-чи? Сен, беозорим?
— Урушда эдим, Она..

Офтоб момо турар лол,
Турар тирик сукутлар —
Йигирмага кирмасдан,
Жангга кетган йигитлар.

Вой, менинг қиёқ жоним,
Вой, менинг бурган жоним.
Юлдуз учса кўкларга,
Термулиб юрган жоним.
Бўғчадаги майизим,
Токчадаги хатларим.
Қизлар ўтса қўчадан,
Қирмаган ниятларим!..
Офтоб момо турар лол,
Туш экан хаёллари.
Остонадан ўтмасдан
Ортга қайтар боллари.

— Қайга кетдинг, Сардорим?
— Урушга-да, Онажон.
— Қайга кетдинг, Шунқорим?
— Урушга-да, Онажон.
— Сен-чи? Сен, беозорим?
— Урушга-да... Онажон.

Уч оғайнин ботирлар,
Фарбга кетаётирлар.
Офтоб ўғлин кўтариб,
Юрмаган баҳодирлар...

ҚИЗИЛ ИЗТОПАРЛАР

Пионер болалар ҳар йил
кузда Офтоб момонинг томи-
ни суваб беришади. Қизил
Изтопарлар... Улар момонинг
ҳеч бўлмаса битта ўғли тирнк
қолган деб умид қилиб ду-
нёниг ҳамма бурчагига хат
устига хат йўллашади..

Қизил изтопарлаф —
Галстукли чопарлар.
Мана Сизга
Сўнгги хабарлар...

Оддий аскар —
Сотволди Сафаров..
Оддий аскар —
Собиржон Сафаров...
Пулемётчи —
Сатторқул Сафаров..
Бу қандай гап ахир?
Қачон тугар,
Бу узун саф ахир?
Қанча ёзай яна
Қўлларим қавариб?!
Волга гулчамбарлар
Остида оқар.
Зиёратгоҳ бўлди
Брестъ қалъаси.
Военком қирқ йиллик
Орденни тақар,
Қаердасан,
Офтоб
кампир
боласи?!

Ким мамот жангига
Тик турган бўлса,
Кўзларга тўтиё
Сочин толаси.
Ленинграддамисан,
Сталинграддамисан —
Қаердасан,
Офтоб
кампир
боласи?!.

Қизил изтопарлар,
Ўқир хабарлар:
Тунда шаҳар
Душман қўлида эди.
Тонгда уни
Бизникилар олди...
Оддий аскар
Сафаровлар
Бедарак йўқолди...

Шеърим —
Сафаровсан бугундан бошлаб,
Ва ўзини дзотга ташлаб,
Қизил қонга бўялган ерим.
Ундан томган барча
Сўзлар меники,
Софиниб хат кутган
Кўзлар меники.
Фигонлар меники,
Бўзлар меники,
Қизил изтопарлар.
Асл укаларим.
Кунда изланг,
Ватан қаҳрамонларини.

Тиндирманг уларнинг
Қирғин йиллардан,
Қўлма-қўл сизларга
Узатган жонларини!
Айтсин,
Сизлар ёзган,
Езмаган хатлар.
Айтсин,
Қизил майдон
Мажнунтоллари:
Юртимдаги ҳамма
Номаълум Солдатлар —
Марҳаматли
Офтоб
кампир
бollaри!..

САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР КОМСОМОЛЛАРИ

Фарғона канали. Фарҳод — тӯғони,
Гуллағга бурканди Мирза чўллари.
Дўнонлар чарчади. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Ҳайкалга айланди кўз ўнгингизда,
Турсуной штурваль қучган қўллари.
Мамажонлар кетди. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Ногоҳ бир ноҳақлик ўтса жонидан,
Абдуллани эслар Бойсун чоллари.
У тоғларда қолди. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Анов ғловон гуллар қизғалдоқ эмас,
У қонга бўялган Майна холлари.
Мен қўшиқ ёзаман. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Олдимдан чиқади қаерга борсам,
Мовий кўзли Краснодон боллари.
Қошевой гапирмас. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?

Тунга сингиб кетди битта бақалоқ,
Қўйнида Бухоро қоракўллари.
Қизилқум тўлғонар. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?..

Бизнинг даврон кулаган. Бизнинг баҳт кулган.
О, сўлим оқшомлар, ёр висоллари.
Мени бир ўй ёқар. Сиз нима дейсиз,
Саксонинчи йиллар комсомоллари?!..

* * *

Қилавермас ҳар кимга насиб
Трамвайда қофия ахтармоқ,
Сиёҳ қотиб қолган беш бармоқ.
Ҳар куни бир жондан тўймоқ,
Қоғоз билан ўз-ўзин сўймоқ...

Энг яқин дўстидан кечгандек,
Чириллатиб юракни гоҳ.
Чўнтакдаги охирги сўмни
Контролёр кафтига қўймоқ..
Қилавермас ҳар кимга насиб.

Бахтин излаб қайда кезмасин,
Қайга йўли туғмасин йироқ.
Осмонўпар уйлар ортидан,
Жим мўралаб турган ҳур қишлоқ —
Қилавермас ҳар кимга насиб...

Онажон, мен шоир бўламан,
Ва бу йўлдан қайтиш йўқ, энди.
Гоҳи юрак тўлиб кетса ҳам,
Тиф суюкка бориб етса ҳам
Ҳеч кимга сир айтиш йўқ энди.

* * *

Жуда синчков, жуда энди нозиктаъб,
Менинг беш яшар ўғлим.
Чумчуққа хам термулади соатлаб
Менинг беш яшар ўғлим.

Сувни кўрса, тушиб сузаман дейди.
Гулни кўрса, қўйвор, узаман дейди.
Битта ўзим дунё кезаман, дейди —
Менинг беш яшар ўғлим.

Дунё эса... дунё кунда кулмайди,
Дунё беун, дунё парво қилмайди.
Бир бола-да, дер, назарга илмайди —
Менинг беш яшар ўғлим.

Менинг беш яшар ўғлим.
Ерга қараб юраги эзилмайди,
Қўкка қараб юраги сиқилмайди,
Ракеталар нималигин билмайди..
Менинг беш яшар ўғлим.

* * *

Азизимсан,
Бахтиёrimсан,
Ишонганим — ваъфодоримсан.
Елғизимсан... Умринг ўлчовли
Қарға эса мингга киради.

Билиб юрар,
Кўриб туради,
Қузғун — ажал топар бехато.
Жондан ортиқ кўраман лекин
Сени боғлаб қўйган йўқ, ота...
Қарға эса мингга киради.

Юрак токай уриб туради?
Юрак тингай тўлса паймона.
Маъюс чеҳранг кўксимни ёқиб
Сен ҳам бир кун ўтарсан, она,
Қарға эса мингга киради.

Йиллар бизни ўриб туради,
Уйда, йўлда, шошиб-шошмасдан,
Хайрлашиб — хайрлашмасдан
Эриб, оқиб ўтаверамиз
Қарға эса мингга киради..

Сочгум гулдай дунёга меҳрим,
Токи юрак уриб туради.
Сен абадий яшайсан, шеърим,
Қарға фақат мингга киради.

* * *

Хиёбонда лола,
Тувакда лола,
Фонтанлар қиқирлаб кулаверади.
Менинг киндик қоним тўкилган дала
Сени эса кўргим келаверади.

Уйимга энганиш кундузи булут,
Оқшом ой мақомлар қилаверади.
Тўпроқ йўл бўйига чўккан қари тут,
Сени эса кўргим келаверади.

Дунёнинг жаннати бу мовий шаҳар,
Кунларимни гулга белайверади.
Узумбарглар аро ёришган саҳар,
Сени эса кўргим келаверади.

Ёришади осмон, йиглайди осмон,
Замин зир айланиб елаверади.
Билмайман нимасан, билмайман кимсан,
Сени эса кўргим келаверади..

ИЛТИЖО

Кунлар ойга, ойлар йилга айланар,
Айланади чархи бешафқат,
Гули хас, гунчаси гулга айланар,
Жон ота, сен
Қарима фақат...

Ким қонибди неъматига бу ҳаёт?
Утган кунни қандай этиб бўлар рад.
Аммо бўлса бу дунёнинг гаштига
Қон, ота, сен
Қарима фақат!..

Ёшинг фалон дерлар, кимда ғаним йўқ,
Ғанимсиз ҳам хато ёзув, хато хат.
Ҳайқир ота: бунчага кирганим йўқ,
Тон, ота, сен
Қарима фақат...

Ким қонмаса неъматига бу ҳаёт
Утган кунни этса бўлар рад.
Юрганча юр, турганча тур чин
Осмон, ота, сен,
Қарима фақат!

БОР БУЛ...

Шерали Жўраевга

Бор бўл бағримда мудом,
Ўтли имоним менинг.
Қон бўлиб кетганда ҳам
Танамда бу жоним менинг.

Менга бу жаҳон надир,
Шуҳрат надиру шон надир.
Топмасам-топсам қадр
Булбулдир забоним менинг...

Аҳли ағёrlар яшанг,
Пашшадин филлар ясанг,
Сиз туфайли бўлмаса
Бўлмасин хуш оним менинг.

Эй юрак, эй сен юрак,
Менга сендеқ дўст керак.
Йўқ сендан бўлак
Бир меҳрибоним менинг...

Бор бўл, эй тупроқ далам,
Сенга таъзим, сенга салом,
Сочлари оппоқ онам
Ўзбекистоним менинг.

ВАТАН

Сизга айтсам, ҳали тупроқ ботмай товонга
Ва муҳаббат қийноқларин билмасдан олдин.
Ажиб туғён келаверади бостириб қонга,
Мен бир ҳисга кўнгил бериб балога қолдим...

Мана энди армоним кўп кўринмайдиган,
Кўринса ҳам бировларга шунчаки эрмак.
Дала йўлда қуриб қолган ялпизнинг зори,
Шотутларнинг сувга тушган кўзёшлариdek.

Сиз куларсиз, бу китобий сўзларни қўй, деб
Хитобларни тўқаверма, бола, липпадан.
Аммо рости, лабда болдек қотиб қолган шу
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!..

Шу ватангча нафим бўлса дейман менинг ҳам
Ва мақтанчоқ шоирчалар текканда жонга.
Уятларда ловуллаган юзимни босиб,
Овунаман мўмину соф Ўзбекистонга.

Давраларни ҳайрон этиб кетаман чиқиб,
Ярим тунда йўл оламан бий дала сари.
Юлдузлармас, қаранг, кўкда порлаган, улар —
Шу юрт учун қурбон бўлганларнинг кўзлари!..

* * *

Бу қиз эса тушунмайди, тушунмас мени,
Бу қиз менинг кўзларимдан излар тасалли.
Севаман деб сочим силаб, юзма-юз ёлғиз
Ва елкамга нигоҳ тираб ўйлади: далли...

Билмайдики, ҳали тупроқ ботмай товонга,
Ҳали севги азобларин билмасдан олдин.
Келаверди бир дунё ҳис бостириб қонга,
Мен туйғуга кўнгил бериб балога қолдим.

Билмайдики, юрсам-турсам йўлдошим шу юрт.
Уйқумда ҳам жонга босиб ётаман қўлин.
Қиз дегани Зулайҳадан сулув бўлса ҳам,
Севолмайди уни ҳеч ким, сўймаса элин..

Мактабдошим бўлар эди Менинг сирдошим,
Кечалари кўкка боқиб ўйлар сурардик.
Қайда кибор кимса ё бир тубанлик
Қўлимиз мушт, тишимизни қайраб юардик.

Уни бугун бешикдаги бола ҳам танир,
Олим, дейди... ўзи маъқул, сўzlари маъқул
Сен бекорчи хаёлларни сувга соч, энди
Яшашни бил, дея менга хат ёзар нуқул.

Яшашни бил! Йилтиллайди кўзлари ёмон,
Яшашни бил! Кулар оппоқ кўйлак, оқбадан.
Севаман, деб қасам ичар талабасига,
Йигинларда нутқ сўзлар: она бу — Ватан!

Ховучимда бўтана сув ичмасман энди,
Хайр энди болалигим — бебаҳо тилсим.
Мактабдошим бўлар эди, энг яқин дўстим,
Уни бугун сенинг шаффоғ руҳинг кўр қилсин..

* * *

Сиз куларсиз, бу хитобий гапларни қўй, деб
Аммо рости, бир ҳикматни энди билдим мен:
Ҳей одамлар, лабда болдек бўлиб турган шу
Онам сути, онам сути экан-да Ватан!..
Шу ватанга нафим тегса дейман менинг ҳам,
Юрак ундан бир сўз кутиб бўйлар осмонга.
Ўғлим, дёса икки қўллаб жонимни тутиб
Сигинаман мўмин ва соф Ўзбекистонга.

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим.
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатим?
Кимга керак у?..
Беҳудадир кўз ёшнинг сели.
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас,
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам,
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди,
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Еқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум, уни бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш керак... яшаш шарт эмас.

СЕВИШ ҚЕРАК... ЯШАШ ШАРТ ЭМАС!

ТУШИМГА КИР, ЖОНИМ

Қапалакдай келиб,
Қошингга қўниб,
Қўзингга термулиб умрим ўтсайди..
Нима ҳам кўрибман мен йигит бўлиб?
Сочингни силашга қўлим етмайди.

Пешонам экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

Товонинг ўпади ариқдаги сув,
Қўйлагинг этагин ўпади майса,
Мен-чи бир гиёҳча бўлолмадим-ку,
Эй, қадди сарв, эй киприги найза.

Пешонанг шу экан, пешонам шудир,
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

Ўтиб бораётир бу умр — карвон,
Қунларнинг бўйнида юрак қўнғироқ.
Мен сенга армонман, сен менга армон,
Қўнглимнинг тўрида тутар шамчироқ...

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

Қапалакдай келиб, қошингга қўниб,
Қўзингга термулиб умрим ўтсайди.
Қолдингу бағримда жонимдай бўлиб,
Юзингни силашга қўлим етмайди.

Пешонанг шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

СЕВГИ, СЕНДАН ҚҮРҚАМАН

Севги, менга бўйлама,
Меҳринг билан сийлама,
Оташ нигоҳнинг қадаб
Жонимни ёқиб қийнама,
Қўрқаман.

Энг беғубор сен ўзинг,
Энг беозор сен ўзинг.
Лекин гоҳи йиғлатиб
Ошиққа озор сен ўзинг.
Қўрқаман.
Не бўлди мафтуналаринг,
Кўйингда мажнунларинг.
Домингга тушган дилни
Қон қилди-ку афсунларинг.
Қўрқаман.

Сенмасму Лайлосидан,
Вомиқни Узросидан,
Айриб бўзлатиб кетган
Юсуфни Зулайҳосидан?..
Қўрқаман.

Севги, менга бўйлама,
Меҳринг билан сийлама.
Оташ нигоҳнинг қадаб,
Жонимни ёқиб қийнама.
Қўрқаман.

ЮРАК

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч,
Сенки омон экансан...

Қиз суйдинг — бўлди армон,
Этакка тўлди армон.
Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб ўтга отарман.

Дўст тутиндинг — ёв чиқди,
Елкамга найза суқди.
Сенинг билан сигиниб
Юрган йўлдағов чиқди.

Ана, севгим — учган ўқ,
Муздек тошни қучган ўқ.
Қиз суйдинг — бўлди армон.
Кўриш бору айтиш йўқ.

Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб сувга отарман.
Соҳилларда қум билан
Қучоғлашиб ётарман...

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч
Сенки омон экансан...

КУМУШБИБИ НОЛАСИ

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай, қувлаб етиб олинг, бегим.
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Қани ул қайрилмақош Кумуш, деманг,
Бағри гул, бағри оташ Кумуш, деманг,
Кўзларингиз нега ёш, Кумуш, деманг,
Бир курай, Зайнаб билан қолинг...,

Сиғмадим кундошнинг бу тош шаҳрига,
Дош беролмам бу қарошлар заҳрига,
Ёрдан айрилдим қаро ер бағрига
Жо бўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Сен нечун тўлғонасан куйган кўнгил,
Отабекни жонидан суйган кўнгил,
Яшнагаймиз бир қучоқда икки гул...
Мен сўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Ергинам рухсорига жоним фидо,
Бу жаҳонда борига жоним фидо.
Хайр, эй, ширин забоним, алвидо,
Мен ўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим...

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,
Жайрон бўлай, қувлаб етиб олинг, бегим,
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб,
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

ҚУШИҚ

Олмани отдим отганга..
Халқ қўшиғи

Ишонгандим дўстимга
Ишонгандай ўзимга.
Дўстим мени алдади,
Ханжар урди кўксимга.

Боғлардаги гул, япроқ,
Энди менга дўст, ўртоқ.
Гулхан бўлиб чарсиллаб,
Бағри дилим ёнар, воҳ.

Олмани отдим отганга,
Дийдаси тош қотганга.
Дунё бўлсин қоронғу,
Ўз дўстини сотганга...

Ишонгандим ёримга,
Суюкли дилдоримга.
Ёрим мени алдади,
Қулоқ солмай зоримга.

Тоғлардаги қизғалдоқ,
Энди менга ёр, ҳамроҳ.
Гулхан бўлиб ловуллаб,
Бағри дилим ёнар, воҳ.

Олмани отдим отганга,
Юраги тош қотганга.
Дунё бўлсин қоронғу,
Севгисини сотганга..

ЕР-ЕР

Осмон олис, осмон жим,
Марҳаматда қор ёғар.
Сени қандай севардим,
Кўролмади қарғалар.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон қулоқ солади.
Юрагимни соғинчим
Фижжак қилиб чалади.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон юлдуз тўшайди.
Билагингда бармоғим
Изи борга ўхшайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Бу бевафо дунёдан,
Бир кун мен ҳам ўтарман.
Юлдуз тўла самодан
Қўшиқ бўлиб қайтарман.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр!

МУҲАББАТ

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.
Қўлим тегмай тўқилган қизғалдоғим —
Энди сени излаб қайдан топарман?..

Келар бўлсанг йўлингга гул тўшардим,
Сен Лайлига мени Мажнунга ўхшардим.
Бу дунёда ҳижрон йўқ деб яшардим —
Энди сени излаб қайдан топарман?

Ойни кўрмай юлдузга термулдим мен,
Севгим, сен қон йиғлаганда кулдим мен.
Хеч қиёсинг йўқ экан-ку билдим мен —
Энди сени излаб қайдан топарман?

Қўнглимни куйдириб бир йўли ҳижрон
Узра кетиб борар менсиз бир карвон.
Умримнинг ярмини тўлдирган армон —
Энди сени излаб қайдан топарман?..

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим.
Жайрон кўзим, қирларда қолган оҳум,
Қўлим тегмай тўқилган қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан топарман?

СОФИНЧ

Ялпиз ҳиди келар кокилларидан,
Севгилим сеҳрли бир сўзга муштоқ.
Менинг кўз ўнгимда саратон, қишлоқ,
Қамишзор... қурбақа, булбул у ерда,
Отам кетмон чопар қоп-қора терда.

Токчада мўлтираб турар гулларим,
Хушомад етаклаб келган кунларим.
Қуёш ботар аста улар ортига,
Үйлайман тутзорни оралаб бу дам
Хоргин уйга қайтиб келмоқда отам.

Хоргин уйга қайтиб келмоқда отам,
Кўзлари киртайган, соқоли ўсган.
Севгилим кўнглидан кечганин сезиб,
Кулар лабга босиб бармоқларини,
Кокили йўлимни тўсгани-тўсган.

Инсонни қаритар кўрган тушлари,
Софинчдан ўлади одам ўлганда.
Дунёнинг энг шодон йигити бўлиб,
Яшардим бу улкан шаҳарда балки
Ёнимда бесавод отам бўлганда...
Мени еру кўкка ишонмас бу қиз,
Гуноҳим жуда қўп гарчи, билади.
Жим тинглайверар-у ёлғонларимни,
Отамни соғиндим десам, кулади.

* * *

Узун кеча ўзингни ўйлаб,
Дардларимни елларга сўйлаб;
Тушларимни қишининг қорига.
Тонгни кутаяпман сокин, жим,
Тонгни кутаяпман, севгилим,
Қиё боқмай ой рухсорига...

Сенсиз ўтган умримдай маҳзун,
Сенсиз ўтган умримдай узун,
Ушбу совуқ тун ҳам зим-зиё,
Тонгни кутаяпман сокин, жим.
Тонгни кутаяпман, севгилим,
Юлдузларга қайрилмай қиё...

...Юракни қон қилди бу кеча,
Тонгга, қанча қолди тонггача?
Э воҳ, сўнгги бардошим сўнди,
Қандай яшай, севгилим, сенсиз?
Қандай яшай, етар-э, юлдуз,
Ой бўлса ҳам ботсин-да, энди...

* * *

Куилар ботар сендан дарак йўқ.
Тонглар отар сендан дарак йўқ.
Осмон тўла юлдуз соғинчим,
Юрагимда ловуллаган чўғ.
Ёғилади кўклардан зори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри...

Андижонда бодом гуллаган,
Боғишамол лол — ким йигллаган?
Боролмайман у ёқларга ман,
Борсам кулар билган, билмаган.
Кўллар қири, боғи — баҳори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри.

Бу дунёда ким бор суймаган.
Суйиб соғинмаган, куймаган.
Севгим — осмон тўла соғинчим
Мени қийнагани-қийнаган.
Кўнглимда ишқ, қўлимда тори:
Сен кутган қиз бироннинг ёри...

Қизғалдеққа кўмилган диёр,
Эй яшинган, эй кулган диёр.
Иқболимга ёғдулар сочиб,
Кўзларимга термулган диёр —
Юртим, ўзинг кўнглим баҳори,
Мен айтган қиз, бироннинг ёри.

ТҮГРУҚХОНАДА

Мана қандай экан оталик бахти:
Турибман гулларим билан панада.
Бир маҳалла бўлғуси файласуфлар,
Олимлар чинқирав түгруқхонада...

Апрель, айланайин ялпизларингдан,
Айланайин осмон кўзлари зангор.
Дунё бугун менга туюлди бирдан,
Чақалоқлардан ҳам мўмин, беозор..

Ҳамшира имлайди: келинг иқинроқ,
Ана у, ўғилми — қизми билмайман..
Ойнадан термулиб сочингни силайман,
Юзингдан ўпаман докадек оппоқ.

Кейин жим кетаман исмлар излаб,
Тақдирингни ўйлаб йўқдир оромим.
Майли ўғилмисан-қизми бари бир,
Юлдузинг ёруғми менинг давомим?..

Тонгим кулгу эди,
Шомим хавотир.
Дунёда нима гап дея бўйлайман.
Атомлар асрида кунбўйи шод юрмоқ —
Жуда катта бир бахтлигин ўйлайман...

Яна сен ёдимнинг ойинасида,
Қўлингда боламиз — Мўмин Чақалоқ.
Олам тинч. Хўрсиниб сочингни силайман,
Юзингдан ўпаман паҳтадек оппоқ.

МАЖНУННИ ЎЙФОТСАММИКИН?

Янги-янги тонг бўлиб отсаммикин.
Кун бўлиб уфқ пойига ботсаммикин?
Бевафо ёримга жонимни бериб,
Ойга бошимни қўйиб ётсаммикин?

Мен ёнарман беқиёс меҳрим билан,
Дил куяди дардлашай деб ким билан,
Ёрни ҳеч парвоси йўқ кўнглим билан,
Қон юракни сизга кўрсатсаммикин?

Мулки ишқ кўзлардами вулқон эмас,
Минг яшир пинҳон эмас, пинҳон эмас.
Сезмас у шоҳу-гадо инсон эмас.
Қўлда рубоб, йўлда тош қотсаммикин?

Билмади қадримни дилдор, билмади.
Кулмади, ҳеч менга омад кулмади.
Мени бу аҳли фозил тушунмади,
Оҳ уриб Мажнунни уйғотсаммикин?..

Янги-янги тонг бўлиб отсаммикин,
Кун бўлиб уфқ бағрига ботсаммикин?
Эй, Муҳаммад, ёрга жонимни бериб
Ойга бошимни қўйиб ётсаммикин?

* * *

Уруш йилларининг жонон қизлари,
Мункиллаб қолишиди ҳаммаси қариб.
Шарқ қайси томон деб уларни сўранг,
Улардан сўранглар, қайда деб Farb..

Кун чиқар, кун ботар, юлдузлар ёнар,
Хат кутиб бир ўлка ҳур қизлар ёнар.
Кўзлари чўлпонлар, юзлари анор
Дунёда энг сулув бир қизлар ёнар.

Қаранг, қор тагида қолмасин кўсак,
Енгамиз чидасак, енгамиз чидасак.
Уруш йилларининг жонон қизлари —
Йўллари яхмалак, қўллари кесак!..

Ялангоёқ даштда бошоқлар терган,
Зебу сепин йигиб фронтга берган,
Уруш йилларининг жонон қизлари —
Йигит кўрган ҳамма балони кўрган.

Брестда тик турган,
Волгада тик турган,
Дзотлар домига ўзини урган,
Масковни бермаган солдатни кутиб юрган
Уруш йилларининг жонон қизлари,
Мункиллаб қолишиди ҳаммаси қариб...

Мункиллаб қолишиди ҳаммаси қариб,
Аммо топгай тагин ким шундай қадр —
Садоқат нима деб улардан сўранг,
Улардан сўранглар Виждон нимадир!

СОФИНЧ САТРЛАРИ

Синглим менинг,
Рангпаргина синглим менинг,
Сени кутар тор уйингда тўққиз бола,
Кенг уйингда поёни йўқ дашту дала,
Сен кўникдинг.
Кўникмас ҳеч кўнглим менинг...

О. ёнимда бир нозанин шод кулади,
Унга ҳамма ёзганларим ёд, кулади.
Парвонадек жонимдан минг ўргилади,
Сени ўйлаб бағрим тилим-тилим менинг.

Шодон шаҳар саҳаргача ялла айтар,
Олисларда қирда тўзон — пода қайтар.
Елинлари сутга тўлган бизнинг жайдар
Сигиришимиз чиқмас кесиб йўлим менинг.

Бу ерларда билишмайди бия нима,
Адир нима, анғиз нима, қия нима.
Акам шоир бўлиб мендан кечди дема,
Қўшиқ айтсам бир елкангда қўлим менинг.

Қўёш чиқар, қуёш ботар, соғинаман,
Қўкрагимда бир тош ётар, соғинаман.
Токай чидай бу жудолик доғина ман,
Қани ўша қозиқдаги тўним менинг!..

Синглим менинг,
Хўшрўйгина синглим менинг,
Сени кутар тор уйингда тўққиз бола,
Кенг уйингда поёни йўқ дашту дала,
Сен кўникдинг,
Кўникмали кўнглим менинг.

* * *

Бир куни
Ёнингга келаман,
Дейман: мен сен кутган боламан.
Тинглайсан очилиб сен чаман,
Мен сени севаман, севаман!..

Кел дейсан кун совуқ, ўтиргил
Қафтимда лайлакқор — атиргул.
Хонангда югуриб-еламан,
Мен сени севаман, севаман.

Ким у жим кулади, кулади
Билдиримай эрмаклар қиласи.
Майли мен ғалати, телбаман,
Мен сени севаман, севаман.

Кел, дейсан. О, мунча кечикдинг,
Иўқ энди у ғунча, кечикдинг.
Боқ йигит, атрофинг қаҳратон...
Мен сени севаман, севаман.

Сен турган жой энди бий дала,
Қўлингда қоракўз бир бола.
Мен энди қўшиқмас — ноламан,
Мен сени севаман, севаман.

Айт, мендан не истар бу одам,
Тикилар синарми иродам?..
Тикилар бир ёмон, бир ёмон,
Мен сени севаман, севаман!..

Мени ёв этмиш бор мардум-ла,
Лабимдан учмаган бир жумла.
Энди кеч, энди не қиласман,
Мен сени севаман, севаман!..

БОҒДА

Тиллақўнғизни сув оқизиб кетди,
Биз ўй сурдик қўлни иякка тираб.
Ўлгунча биргамиз... қасамлар ичдик,
Кетаверди қўнғиз шўрлик мўлтираб.

Қим ариқ бўйига атиргул экди,
Сувга гулбаргини тўкиб кетди ким,
Тиллақўнғизни сув оқизиб кетди,
Жуда раҳмдилман, севгилим...

Сени қандай суйиб, эркалай энди,
Қайси гулшанларга етаклай энди?..
Энди сен севаман десанг ҳар сафар,
Қўксимда ҳалиги қўнғиз ўрмалар.

* * *

Мен бир дедим,
бир дедим,
Ўзгинам дилгир дедим.
Бугун менинг ёнимда
Йўқ энди кимдир, дедим...

Биров деди, жим бўл, жим,
Биров, қўйсанг, қўй дўстим.
Биров эса, ким у, ким?
Айтотмайман, сир дедим...

Биров менга кут, деди,
Биров қўй, йигит, деди,
Бировлар унут, деди,
Мен эса тақдир, дедим.

* * *

Ситамларинг кўпдир менга,
Ситамларинг, эй гулгун.
Кел, юзингдан ўптири менга,
Ўнг юзингдан ўптиргин.

Қачон борсам кел, деб турма,
Захринг сочиб ўтиргин.
Гапирмагин,
Гапиртирма,
Сўнг.. юзингдан ўптиргин.

Суймасанг суйкалиб нетай,
Бу дунёдан нолиб нетай,
Майли ўтай,
Майли кетай,
Кел, кўзингдан ўптиргин...

ҚИЗИЛ ОЛМА

Набиҷонга

Баланд шоҳда қизил олма
Пишган экан,
Узиб олиб қарасам қурт
Тушган экан.

Мен олмани ирғитворсам,
У дод солди;
Ташлаб кетар экан мени
Нега олди?

Қизил олма, қизил олма,
Мен енгилдим.
Дунёи дун деганларин
Энди билдим...

Юрагим-ей, сени не ўй
Ўртамоқда,
Севгига йўл бўлин бизга
Бу чорбоқда.

Баланд шоҳда қизил олма
Пишган экан...
Бизнинг бошга шундай савдо
Тушган экан.

ХУЛОСА

*Мұхаммадни шоур деманғ, Мұхаммадни
Ү қадрига етмади илк мұхаббатнинг.*

*Ү такаллуф қилмади қиз болага ҳам,
На севгини билмади, на садоқатни.*

*Ү бир кибор — бүлутлардан сүрар бўса,.
Айтсин ана, юлдузларнинг тили бўлса.*

*Кулгу чақнар юрагин бир ерларида,
Ўзи йиғлаб турганда ҳам шеърларида...*

*Мұхаммадга ишонманглар, Мұхаммадга,
Ү чин фарзанд бўлолмади Марҳаматга.*

*Ү илда бир йўқлаб бормас онасини,
Сувоқлари кўчиб кетган хонасини.*

*Темир шаҳар бойлаб қўйган кўзларини.
Соғинмайди на уйин, на дўстларини.*

*Тополмайсиз изларини кенг даладан,
Ўзи ичининг ҳам кўнглим қолди бу боладан...*

МУНДАРИЖА

Бир куни 3

Қўшиғимсан. Ватаним

Уруш бўлмасин	4
Бригадир	5
Ёқуб мерган	7
«Сизни ҳеч ким танимайди»	8
«Бу эшинк...»	9
Бобом билан суҳбат	10
«Оlamда нима гап»	11
«Тушимга киради Қодирий бобом»	12
«Ёлғон ёмон дерлар»	13
Туғилган кунда	14
Ғуур	15
Метин иродалар	16
«Мен кузни соғинидим»	18
Шукур Бурҳон	3
Марҳамат	20
Математикани ёмон кўраман	21
Уч оғайни ботирлар	22
Қизил изтопарлар	25
Саксонинчи йиллар комсомоллари	28
«Қилавермас ҳар кимга насиб»	29
«Жуда синчков»	30
«Азизимсан, баҳтиёrimсан»	31
«Хиёбонда лола»	32
Илтижо	33
Бор бўл	34

Ватан35
Бу қиз эса тушунмайди36
Сиз куларсиз37
«Осмон чўкиб қолди»38
Севиш керак яшаш шарт эмас	
Тушимга кир, жоним	39
Севги, сендан қўрқаман.	40
Юрак	41
Кумушбиби ноласи	42
Қўшиқ	43
Ёр-ёр	44
Муҳаббат	46
Софинч	47
«Узун кечा»	48
«Кунлар ботар»	49
Тургуқхонада	50
Мажиуннин уйғотсаммикни	51
«Уруш йилларининг»	52
Софинч сатрлари	53
«Бир куни ёнингга келаман»	54
Боғда	55
«Мен бир дедим ...»	56
«Ситамларинг кўпдир»	57
Қизия олма	58
Хулоса	59

Юсуф Мұҳаммад.
1—091 „Илтижо“. Шеърлар.— Т. „Ёш
гвардия“, 1989.— 64 б.

Бу түпламдан ўрин олган катта-ю кичикка бабаробар тушунарли шеърлар, китобхон қалбіда она ерга муҳабbat ва ифтихор түйғуларини парваришилайди.

Түпламдаги бир қатор шеърлар қишлоқ ва унинг меңнаткаш одамларига бағишенген. Шоир мавзу моҳиятини чуқур ҳис этгандықтан қолат ва ҳодисаны завқ-шавқ билан ҳикоя қиласы. Шоирнинг итили оддий, шунинг билан бирга ўзига хос жиболи.

Юсуф М. „Мольба“. Стихи.

Ўз2

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

МУХАММАД ЮСУФ

МОЛЬБА

Стихи

Ташкент, издательство „Ёш ғвардия“, 1989

Тақризчи — Тоҳир Қаҳҳор

Редактор Я. Тогаев

Рассом Б. Джалалов

Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев

Техн. редактор В. Демченко

Корректор М. Набиева

ИБ № 2409

Теришга берилди 6.07.88. Босишига рухсат этилди
13.04.88. Формати $70 \times 90 \frac{1}{32}$. № 1 босма қоғозига
литературная гарнитурада юқори босма усулида бо-
силди. Босма листи 2,0. Шартли бўсма листи 2,34.
Шартли кр. оғт. 2,63. Нашр листи 1,47. Тиражи 10000
Буюргта 5120. Шартнома 169—87. Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш
гвардия“ нашриёти. Тошкент—700113, м Чилонзор,
8-квартал, „Правда“ газетаси кўчаси, 60.

Область газеталарининг М. В. Морозов номидаги
бирлашган нашриёти ва босмахонаси.
Самарқанд ш. У. Турсунов кўчаси, 82 1989.

Объединенное издательство и типография имени
М. В. Морозова
Самарканл. ул. У. Турсунова, 82 1989.